

---

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЭРКИН ВОҲИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 87 ЙИЛЛИГИ ВИЛОЯТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган атоқли шоир ва адиб, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 87 йиллиги муносабати билан вилоятимизда қатор маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Марғилон шаҳридаги Ижодкорлар боғидаги улуғ шоир ҳайкали пойига эҳтиром рамзи сифатида гулчамбарлар қўйилди. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов, Марғилон шаҳар ҳокими Шукруллохон Нисбатхонов, шоирнинг фарзанди Хуршид Воҳидов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида тантанали тадбир ташкил этилди. Тадбирда халқимизнинг севимли шоирининг ҳаёти, фаолияти, ижодининг ўзига хослиги ҳақида сўз юритилди. Унинг ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ўзига хос мактаб экани таъкидланди. Хусусан, бугунги кунда Эркин Воҳидов ижод мактаби истеъдодли ёшларни камолга етказишда муҳим ўрин тутмоқда. Кўплаб ўқувчилар турли танловлар, лойиҳаларда, олимпиадаларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда.

Тадбирда “То қуёш сочгайки нур” мавзусидаги ижодий танлов ҳамда Ижод мактаби, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда Vodiy1.uz интернет нашри ҳамкорлигида ўтказилган танлов якунланиб, ғолиблар тақдирланди.

Шоир қаламига мансуб шеърлар ўқилди, таниқли санъаткорлар қўшиқларини ижро этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-28 18:08:33